

ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

Экономика и финансы



CEDR

ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ
«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ
ВА МУАММОЛАРИ» ИТМ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ



МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

№ 3(135), 2020

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ /
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ /
МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ /
РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ

МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ /
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА

БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИ /
БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ

МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ /
РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА

БЮДЖЕТ ТИЗИМИ /
БЮДЖЕТНАЯ СИСТЕМА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган Соғлиқ устувор бўналтириш

- давлат ва аҳоли бунёдоти ташкили ва ташкилланганлиги
- қўшни устуворлигини таъминлаш ва ушбу қўшни ташкилланганлиги ва аҳолининг
- аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги
- маърифат, мутахассислар тайинлаш ва қўшни ташкилланганлиги, таълим устуворлиги
- аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги

Стратегия дейсвий по плану приоритетных национальных проектов Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах

- амалга оширилган Соғлиқ устувор бўналтириш
- аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги
- маърифат, мутахассислар тайинлаш ва қўшни ташкилланганлиги, таълим устуворлиги
- аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги
- аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги

• аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги

• аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги

• аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги

• аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги

• аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги

• аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги

• аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги

• аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги

• аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги

• аҳолининг соғлиқ устуворлиги ва аҳолининг соғлиқ устуворлиги



ПЕЧАТНЫЙ
ОРГАНКаракалпакского отделения
Академии Наук Республики
УзбекистанНаучно-исследовательского
центра «Научные основы и
проблемы развития экономики
Узбекистана» при Ташкентском
государственном экономическом
университете*Журнал издается в сотрудничестве с
Национальным университетом Узбекистана
имени Мирзо Улугбека*Узбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Қорақалпоғистон
булимиТошкент давлат иқтисодиёт
университети хузуридаги
«Узбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари» илмий
тадқиқот марказинингНАШР
ОРГАНИ*Мирзо Улугбек номидаги Узбекистон
Миллий университети билан ҳамкорликда
нашр этилади*

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№ 3 (135), 2020

ЮБИЛЯРГА ТАБРИК / ПОЗДРАВЛЕНИЕ ЮБИЛЯРУ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ / ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА

Абдуллаев С.А., Мамбетжанов К.К., Маманазаров А.А. Природные и человеческие факторы
увеличения национального богатства Узбекистана

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ

Ботиров А.А., Бафоева Ш.З. Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиесатини самарали
ташқил этиш ва такомиллаштириш масалалари**Расулов Н.А.** Хусусий сектор томонидан илмий инновацион лойиҳаларни молиялаштириш
таҳлили**Холбаев С.И.** Узбекистонда рақобат муҳитини шакллантиришда антимонопол қонунчиликнинг
ўрни**Мирзаев Қ.Ж., Рахимов З.К.** Агросервисда кластерлаш**Пардаев Ш.Х.** Товар-моддий ресурслар ҳаракатини ҳудудий товар-хомаше бозорига
мослаштириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида)

СОЛИҚ СИЁСАТИ / НАЛОГОВАЯ ПОЛИТИКА

Расулов А.Ф., Воронин С.А. Новая архитектура построения налоговой системы Республики
Узбекистан**Қодиров Б.К.** Жаҳон инқирози шароитида бевосита ва билвосита солиқлар асосида
Узбекистон иқтисодиётини ривожлантириш йўллари

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ / БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ И АУДИТ

Хажимуратов Н.Ш. Молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини таъминлаш йўналишлари**Ҳамидова З.У.** Бюджет ташкилотларида молиявий назорат ва ички аудит хизмати фаолиятини
такомиллаштириш

МУНДАРИЖА
СОДЕРЖАНИЕ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ / МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА

- 85 **Носова О.В., Носова Т.Ю., Павлов К.В.** Эффективные стратегии инновационного развития транснациональных компаний (ТНК)
- 91 **Хамидов О.Х., Миетуле И., Гушко С.В., Ботельо Ж., Маманазаров А.Б., Кулишов В. В.** Концепции и теории глобальной экономики и международных отношений. образовательный дискурс

МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ / РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА

- 99 **Максакова Л.П.** Демографическая безопасность как фактор современной стратегии развития Узбекистана
- 108 **Мамарахимов Б.Э.** Ҳозирги даврда ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари
- 115 **Эшбуриев У.Р., Усманов И.А.** Қишлоқ меҳнат бозорини тартибга солишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари
- 124 **Ражабов У.Д.** Соғлиқни сақлашда давлат - хусусий шериклик шартларининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш
- 129 **Умурзакова М.Н.қ.** "COVID-19" пандемияси шароитида тиббий суғуртанинг амал қилиш хусусиятлари

МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ / РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА

- 137 **Назарова Ф.У.** Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг замонавий концепциялари

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ / МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ

- 144 **Каримов М.А.** Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини мазмуни ва моҳияти

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР / ИНВЕСТИЦИИ И ИННОВАЦИИ

- 151 **Хашимова Н.А., Алиев А.Т.** Инвестиционные процессы и их синергетическое развитие

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИҚТИСОДИЁТИ /
ЭКОНОМИКА ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

- 157 **Хашимов П.З., Фахриддинова З.Ф.** Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш истиқболлари
- 165 **Толаметова З.А.** Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида рақамли тадбиркорликни ривожлантиришнинг йўналишлари
- 175 **Илёсов А.А.ў.** Рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли ишлаб чиқариш ва саноат маҳсулотлари экспортидаги айрим муаммолар
- 182 **Муминова Э.А.** Молиявий технология (fintech)лар ва уларни жорий этиш истиқболлари Япония тажрибаси
- 191 **МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ**

- Ўзбекистон Республикаси **ОАК** рўйхатида киритилган
- **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган
- **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган
- **East View** базасига киритилган

- Включён в список **ВАК** Республики Узбекистан
- Входит в базу данных **РИНЦ**.
- Входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**.
- Входит в базу **EastView**.

23 12 2016, № 232/5

https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617
<https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Илёсов Асроржон Ахроржон ўғли,
Фаргона политехника институти, таянч
докторант

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РАҚАМЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

УДК: 339.564

ИЛЁСОВ А.А-Ў. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РАҚАМЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

Мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчасининг вужудга келиши, турли олимлар ва ташкилотларнинг таърифлари, жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти ёритиб берилган. Тадқиқот асосида хорижий ва маҳаллий илмий адабиётлар таҳлили амалга оширилган. Таҳлиллар натижасида рақамлаштириш жараёнида саноат маҳсулотлари экспортидаги мамлакатимизнинг устунликлари аниқланган. Рақамлаштириш шароитида саноат маҳсулотлари экспортини амалга оширишдаги мамлакатимизнинг қиёсий ва мулоқ устунликлари таҳлили асосида мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича рақамли технологиялар асосида ташқи бозор талабига мос сифатли ва рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, замон талабига жавоб берадиган саноат маҳсулотлари экспортини амалга оширишга ихтисослашган рақамли кластер тизимини ривожлантириш, маҳаллий саноат маҳсулотлари экспортёрларини рақамли кластер тизими орқали боғлаш орқали худудлар экспорт салоҳиятини ошириш, саноат маҳсулотлари экспорти бўйича миллий брендни яратиш ва тарғиб қилиш каби бир қатор тақлифлар илгари сурилган.

Таянч иборалар ахборот жамияти, ахборот иқтисодиёти, ADP технологиялари, рақамли божхона, рақамли иқтисодиёт, рақамли инфратузилма, рақамли кластер тизими, кластер.

ИЛЁСОВ А.А-У. НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ В ЦИФРОВОМ ПРОИЗВОДСТВЕ И ЭКСПОРТЕ ПРОМЫШЛЕННОЙ ПРОДУКЦИИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

В статье освещается возникновение понятия цифровой экономики, определение различных учебных и организаций, ее значение в мировой экономике. В исследовании был проведен анализ зарубежной и отечественной научной литературы. В результате проведенного анализа были определены преимущества нашей страны в экспорте промышленной продукции в условиях цифровизации. На основе анализа сравнительных и абсолютных преимуществ нашей страны в экспорте промышленной продукции в условиях цифровизации был выдвинут ряд предложений по устранению проблем на основе цифровых технологий для производства качественной и конкурентоспособной промышленной продукции, отвечающей потребностям внешних рынков посредством увеличения экспортного потенциала регионов за счет подключения промышленных экспортеров через систему цифровых кластеров, создания и продвижения национального бренда.

Ключевые слова: информационное общество, информационная экономика, технологии ADP, цифровая таможня, цифровая экономика, цифровая инфраструктура, система цифрового кластера, кластер.

ILYOSOV A.A.U. SOME PROBLEMS IN DIGITAL PRODUCTION AND EXPORT OF INDUSTRIAL PRODUCTS IN THE DIGITAL ECONOMY

The article highlights the emergence of the concept of the digital economy, the definition of various scientists and organizations, and its importance in the global economy. The study analyzed foreign and domestic scientific literature and determined the advantages of our country in the export of industrial products in the context of digitalization. Based on the analysis of the comparative and absolute advantages of our country in the export of industrial products in the context of digitalization, a number of proposals were put forward to eliminate problems based on digital technologies for the production of high-quality and competitive industrial products that meet the needs of foreign markets by increasing the export potential of the regions by connecting industrial exporters through system of digital clusters, creation and promotion of a national brand.

Key words: information society, information economy, ADP technologies, digital customs, digital economy, digital infrastructure, digital cluster system, cluster.

Кириш.

XXI аснинг дастлабки ун йиллигида "sharing economy" мафкуравий пуфаги жуда тез тушиб, ишчилар, дастурчилар ва фаоллар интернетда демократик мулк ва бошқарув учун тузилмаларни яратишга киришади деб ишонилмаган [1].

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. UNCTAD¹ таҳлилларига кўра, рақамли иқтисодиётнинг ўлчамлари дунё ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 4,5 фоиздан 2018 йилда 15,5 фоизгача ўзгарган. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида қўшилган қийматга келсак, АҚШ ва Хитой биргаликда дунё умумий ҳажмининг қарийб 40 фоизини ташкил қилади. Ялпи ички маҳсулотда ушбу тармоқ Хитой, Ирландия, Малайзияда ва Тайванда энг катта ҳисобланади. АКТ соҳасидаги глобал бандлик 2010 йилдаги 34 миллиондан 2015 йилда 39 миллионга ўсди, энг катта улушни компьютер хизматлари эгаллайди (38 фоиз). Ушбу даврда АКТ соҳасининг улуши 1,8 фоиздан 2 фоизгача ўсди [2].

АҚШнинг Иқтисодий таҳлил бюроси ҳисобкитобларига кўра, 2006 йилдан 2016 йилгача рақамли иқтисодиётнинг реал қўшилган қиймати ўртача йиллик ўсиш суръати 5,6 %ни ташкил этди ва йиллик умумий иқтисодий ўсиш суръатидан 1,5 %га илгариллаб кетди. 2016 йилда рақамли иқтисодиёт умумий иқтисодиётга салмоқли ҳисса қўшди: унинг ҳиссасига жорий баҳоларда ҳисобланган ЯИМнинг 6,5 фоизи, АҚШ долларларидаги ялпи маҳсулотнинг 6,2 фоизи, бандликнинг 3,9 фоизи ва ишчиларга тўланадиган

рағбатлантиришларнинг 6,7 фоизини ташкил этди [3].

Илмий муаммонинг қўйилиши. БМТ ЮНИДО Саноат тараққиёти ҳисоботи (Industrial Development Report 2020)га асосан ривожланаётган мамлакатларнинг аксарияти янги технологиялар билан ишлашда ўзига хос муаммоларга дуч келаётганлиги таъкидланиб, ушбу муаммолар бешта гуруҳга ажратилади (Andreoni and Anzolin, 2019) [4]:

- **Асосий имкониятлар.** Таъминот занжирлари бўйлаб ADP (Advanced digital production) технологияларини сингдириш, жойлаштириш ва тарқатиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш имкониятлари тақчил ва нотекис тақсимланган. Ушбу технологиялар улар мутлақо янги эмас, балки янги ва мавжуд технологияларнинг мураккаб интеграл технология тизимлари билан биравлишини англатади, шунингдек, мамлакатларнинг «асосий имкониятлар чегарасини» оширади, ушбу технологиялардан фойдаланиш орқали рақамли ишлаб чиқариш унумдорлиги янада ортади.

- **Модернизация ва интеграция.** Ривожланаётган мамлакатлардаги рақамли иқтисодиётга технологик сармояларни киритиши мумкин бўлган компаниялар ҳалигача эски технологиялардан фойдаланишмоқда. Улар янги рақамли ишлаб чиқариш технологияларини мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарига киритиш ва қандай қилиб фойда олишни ўрганишлари керак. Янги заводларни яратиш кам учрайди, чунки бу узоқ муддатли инвестициялар ва бозорларга янгитдан киришни талаб қилади.

- **Рақамли инфратузилма.** Ушбу технологиялар ишлаб чиқаришда фойдаланиш

¹ United Nations Conference on Trade and Development – БМТнинг савдо ва тараққиёт буйича анжумани.

учун катта инфратузилмани талаб қилади. Баъзи ривожланаётган мамлакатлар арзон ва сифатли электр энергиясини, шунингдек, ишончли боғлиқлишни таъминлашда жиддий муаммоларга дуч келмоқдалар. Ушбу ва бошқа инфратузилма муаммолари индивидуал фирмалар томонидан технологияга инвестициялар киритилишни жуда хавфли ва молиявий жиҳатдан ишониб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин.

● **Рақамли қобилиятдаги тафовут.**

Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда компаниялар баъзи ADP технологиялари билан шуғулланадилар, ammo ушбу технологияларнинг аксарияти компания ичида қолади ва баъзида улардан фойдаланиш учун асосий ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлган бир нечта яқин етказиб берувчилар мавжуд. Ушбу 4-саноат инқилоби атрофида фирмаларнинг аксарияти ҳали ҳам 3-саноат инқилоби еки ҳатто 2-саноат инқилоби типик технологияларидан фойдаланадилар. Шу нуқтаи назардан, ADP технологияларининг тарқалиши жуда чекланган бўлиб қолмоқда.

● **Кириш ва арзонлик.**

Ушбу технологиялар кам сонли мамлакатлар ва уларнинг етакчи фирмалари томонидан бошқарилади. Ривожланаётган мамлакатлар ушбу технологияларнинг импортига таянадилар ва кўп ҳолатларда, улардан фойдаланиш учун ресурсларни жалб қилсалар ҳам, зарурий техник ва дастурий таъминот етказиб берувчиларга қарам бўлиб қоладилар.

Тадқиқот мақсади. Рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли ишлаб чиқариш ва саноат маҳсулотлари экспортидаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш асосида тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Илмий моҳияти. 2-жадвалда саноат тараққиёти ҳисоботида ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ADP технологияларидан фойдаланиш даражаси бўйича мамлакатлар тўрт гуруҳга, яъни етакчилар, издошлар, кечикганлар ва ортда қолганлар (front-runners, followers, latecomers, laggards) ҳамда шуларнинг ичида икки гуруҳ ишлаб чиқарувчилар (as producers) ва фойдаланувчилар (as users)га ажратилади.

Етакчилар глобал патент тизимида аризалар бўйича ўртачадан юқори кўрсаткичга эга бўлган 10 та мамлакат ҳисобланади. Шунингдек, ушбу мамлакатлар ADP технологиялари билан боғлиқ товарлар экспорти ва импорти бозорида ўртачадан юқори улушга эга ҳисобланади.

Қолган барча тоифалар олтига кўрсаткич бўйича гуруҳланади. Патентлар бўйича буюртмалар (мунтазам ва глобал патент оилалари), халқаро савдодаги улуши (экспорт ва импорт) ва халқаро савдодаги нисбий устунлик (экспорт ва импорт). Етакчиларни аниқлаш учун ҳар бир кўрсаткич бўйича мамлакатлар иқтисодиети таҳлил қилинган, жаҳон ўртача кўрсаткичи билан таққосланади.

Издошлар инновациялар учун мунтазам ва глобал патент оилаларига талабномалар бўйича ўртачадан юқори кўрсаткич қайд этган мамлакатлар ҳисобланади. Етакчилар аниқлангандан сўнг, бу ўртача қийматлар мос равишда 10 ва 20 ни ташкил этади. Ўртачадан паст, лекин нолдан юқори кўрсаткичга эга бўлганлар кечикган инноваторлар деб ҳисобланади.

Экспорт ва импорт фаолияти учун, издошлар сифатида нафақат бозор улуши, балки асосий товарлар савдоси бўйича ихтисослашиш даражаси ҳам ҳисобга олинади (нисбий устунлик 1 дан юқори). Жаҳон бозори ўртача улушлари экспорт учун 0,18 фоиз ва импорт учун 0,29 фоизни ташкил этади. Кечикганлар ўз навбатида бир вақтнинг ўзида ҳар икки кўрсаткич бўйича эмас, еки бозор улуши ўртачадан юқори еки асосий товарлар савдоси бўйича нисбий ихтисослашган бўлиши лозим.

Бошқа барча мамлакатлар ортда қолганлар ҳисобланади.

Юқоридagi жадвалдан кўриниб турибдики, мамлакатимиз "Кечикганлар" (Latecomers) нинг фойдаланувчилари устунлигида қайд этилган. Демак, мамлакатимизда саноат маҳсулотлари экспортини янада ошириш, маҳсулот сифати ва рақобатбардорлигини ошириш, саноатда инновацион ва патент билан боғлиқ фаолиятларни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотда тизимли таҳлил, синтез, статистик гуруҳлаш, абстракт-мантиқий фикрлаш, эксперт баҳолаш, илмий-башоратлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Асосий натижалар. 2018-2019 йилларда ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқариладиган саноатда юқори технологияли тармоғининг улуши 2019 йилда атиги 1,6 % (2018 йил 1,4 %), ўрта-юқори технологияли 25,3 % (2018 йил 27,8 %), ўрта-қуйи технологияли 37,5 % (2018 йил 32,1 %) ва қуйи технологияли 35,5 % (2018 йил 38,7 %) ташкил этди [5]. Россия

2-жадвал. Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ADP технологияларидан фойдаланиш даражаси бўйича мамлакатлар рўйхати [4]

Етакчилар (Frontrun-ners) (10)	Издошлар (Followers) (40)		Кечикканлар (Latecomers) (29)		Орта қолганлар (Lag-gards) (88)
	Ишлаб чиқарувчилар (As producers) (23)	Фойдаланувчилар (As users) (17)	Ишлаб чиқарувчилар (As producers) (16)	Фойдаланувчилар (As users) (13)	
Хитой	Австралия	Жазоир	Босния ва Герцоговина	Коста Рика	БМТ Статистика бўлими маълумоти бўйича 2017 йилда аҳолиси 500 мингдан ортиқ бўлган мамлакатлар
Франция	Австрия	Аргентина	Болгария	Кот-Д-Ивуар	
Германия	Бельгия	Бангладеш	Чили	Эквадор	
Япония	Бразилия	Беларусия	Доминикан	Миср	
Корея Республикаси	Канада	Колумбия	Эстония	Салвадор	
Нидерландия	Хорватия	Венгрия	Греция	Эфиопия	
Швецария	Чехия	Индонезия	Қирғизистон	Малави	
Тайвань (Хитой)	Дания	Эрон	Латвия	Сербия	
Бирлашган Қироллик	Финляндия	Малайзия	Молдова	Тунис	
АҚШ	Гонгконг (Хитой)	Мексика	Янги Зеландия	Туркменистон	
	Ҳиндистон	Португалия	Нигерия	Уганда	
	Ирландия	Руминия	Филиппин	Ўзбекистон	
	Исроил	Саудия Арабистони	Словения	Замбия	
	Италия	Жанубий Африка	Украина		
	Литва	Тайланд	БАА		
	Люксембург	Туркия	Венесуэла		
	Норвегия	Вьетнам			
	Польша				
	Россия				
	Сингапур				
	Словакия				
	Испания				
	Швеция				


Федерациясида юқори технологияли тармоқнинг улуши 6,7 %, инновацион секторда эса 11,7 %дан ошмайди. Ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш қувватларининг катта қисмини 5 ва 6-технологик укладлар ташкил қилади. Академик Глазьевга кўра, АҚШда 5 ва 6-чи технологик укладлар мос равишда 60% ва 5% ни ташкил қилади, Россияда эса атиги 10% ва 0,5% [6].

Мамлакатимизда ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Давлатимиз раҳбари Ш Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида

2030 йилгача "Рақамли Ўзбекистон – 2030" дастурини амалга оширишни тақлиф этди [7].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳуқуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699-сонли Қарори ҳамда 2020 йил 5 июндаги "Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" ПФ-6005-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра "қоғозсиз ва электрон

1-расм. Рақамли ишлаб чиқариш: реал ва виртуал ишлаб чиқариш интеграцияси¹.



божхона"нинг давоми сифатида "рақамли божхонани" шакллантириш вазифаси белгиланган.

Рақамли иқтисодиётнинг кенгайиши кўплаб янги иқтисодий имкониятларни яратди. Рақамли иқтисодиётдан ривожланиш мақсадларида ва ижтимоий муаммоларни, шу жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDGs) билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш мумкин. Бу иқтисодий ва ижтимоий натижаларни яхшилашга ёрдам беради, инновациялар ва унмдорликни ошириш учун ҳаракатлантирувчи куч бўлиши мумкин. Платформалар транзакциялар ва тармоқларни, шунингдек, маълумот алмашишни осонлаштиради. Ишбилармонлик нуқтаи назаридан, трансформация барча тармоқлар ва бозорларни рақамлаштириш орқали кам харажат билан юқори сифатли товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш имкониятини яратиши мумкин"[8].

Замонавий sanoat бизнес модели муайян экотизимга хос бўлган инновацияларга асосланган технологик платформадан фойдаланади. Бундай платформанинг асосини тармоқдаги ҳар бир субъект томонидан доимий инновацияларга

асосланган ноёб технология ташкил этади. Технология деганда ишлаб чиқариш, маркетинг, маҳсулотни тарқатиш ва ҳоказоларда маълум бир мақсадни амалга оширишга ёрдам берадиган усул ва воситалар тўплами тушунилади [9].

Рақамли ишлаб чиқариш - бу узлуксиз маълумотларни бошқариш тизими билан бирлаштирилган рақамли моделлар, усуллар ва воситаларнинг бутун тармоғи, шу жумладан моделлаштириш ва 3D визуаллаштириш учун универсал тушунчадир. Рақамли ишлаб чиқариш виртуал ва реал ишлаб чиқаришнинг интеграциясини англатади (1-расм).

Шунинг учун рақамли ишлаб чиқариш концепцияси ишлаб чиқариш жараёни ва моделлаштириш билан маҳсулотлар ва муҳандислик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган интеграл тушунча сифатида қаралади. Маҳсулотларни ва ишлаб чиқариш жараёнларини яхшилаш учун режалаштиришнинг турли даражаларида виртуал моделларда турли хил моделлаштириш шакллари қўллаш мумкин. Шундай қилиб, рақамли ишлаб чиқариш тадқиқот ва ривожланиш соҳасидаги, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнлари соҳасидаги барча ишларни моделлаштиришни англатади [10].

¹ Elias Hans Dener Ribeiro da Silva, Jannis Angelis, Edson Pinheiro de Lima 2015 In pursuit of Digital Manufacturing Procedia Manufacturing vol. 28 ISSN 2351-9789 pp 63-69

Рақамли ишлаб чиқариш концепцияси ишлаб чиқариш ва операция бoshқарувнинг турли даражаларида маҳсулотларни лойиҳалаш ва бoshқариш учун мавжуд усуллар ва воситаларни компания билан бирлаштиришга қаратилган. Шундай қилиб, рақамли ишлаб чиқариш концепцияси куйидаги элементларни бирлаштиради [11]:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш, синаш ва оптималлаштириш;
- жараён режаларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш;
- ишлаб чиқариш тизимини режалаштириш ва такомиллаштириш;
- амалий ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бoshқариш

Рақамли иқтисодиёт шароитида миллий sanoат маҳсулотлари экспортларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш биз каби ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим аҳамият касб этади [12, 13]. Чунки, бу соҳада улкан тажрибага эга хорижий рақамли иқтисодиёт субъектлари билан рақобатлашиш осон кечмайди.

Мамлакатимиз sanoат маҳсулотларини экспортида рақобатлашиш учун куйидаги мутлақ ва қиссий устунликларга эга:

- сиёсий барқарорлик ва рақамлаштиришга қаратилган иқтисодий сиёсат;
- муътадил иқлим ва қулай географик жойлашув;
- рақамлаштириш жараенида ишлайдиган улкан ва арзон ишчи кучи потенциали;
- рақамли технологиялар асосида ишлайдиган sanoат учун зарур ҳом-ашё ва минерал зариҳаларнинг мавжудлиги [14];
- қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити;

• sanoат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган меъерий-ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги ва такомиллаштириб борилаётганлиги;

• рақамлаштириш буйича самарали ва тенг ҳуқуқли ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши;

• ривожланиб бораётган интеграция алоқалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ва ҳ.к.

Хулоса ва тақлифлар. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, sanoат ишлаб чиқаришни рақамлаштириш ва экспортини ривожлантириш sanoат 4.0 концепциясида

тақдим этилган янги технологияларни қўллаш йўлидаги муҳим қадамдир. Бу нафақат мураккаб маҳсулотларнинг жисмоний моделларини, балки ишлаб чиқариш жараёнлари, тизимлари, манбалари ва маҳсулотнинг ҳаёт айланишининг бир қисми бўлган бoshқа элементларни ҳам рақамлаштиришни ўз ичига олади. Бу ишлаб чиқарувчи компанияларнинг келажакдаги технологик муаммоларга жавоб беришлари ва замонавий бизнесда самарадорлигини оширишлари учун ягона йўлдир. Ишлаб чиқаришни рақамлаштиришнинг муҳим сабабларидан бири умумий муаммоларни ҳал қилиш ва умумий мақсадларга муваффақиятли эришиш учун масъул бўлган мутахассислар ўртасида самарали алоқани ўрнатишдир. Бу, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли даражада пасайишига олиб келадиган маҳсулот ва жараёнларни оптималлаштириш билан боғлиқ. Ушбу вазиятда биз экспорт фаолиятини анада ривожлантиришда куйидагиларга эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

• рақамли технологиялар асосида ташқи бозор талабига мос сифатли ва рақобатбардор sanoат маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

• рақамли платформаларни ривожлантириш ва ташқи бозорларда чуқур маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш орқали янги экспорт бозорларини қидириб топиш;

• замон талабига жавоб берадиган sanoат маҳсулотлари экспортини амалга оширишга ихтисослашган рақамли кластер тизимини ривожлантириш;

• маҳаллий sanoат маҳсулотлари экспортларини рақамли кластер тизими орқали боғлаш орқали ҳудудлар экспорт салоҳиятини ошириш;

• ҳудудий sanoат маҳсулотлари экспортлари учун ташқи бозорларда фаолият олиб бориш буйича етакчи экспортёрларни жалб қилган ҳолда мастер-класслар, ўқув курслари, амалий тадбирлар ва вебинарлар ташкил этиш;

• ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, хусусан, ўқув қўлланма, телефон ёки компьютерлар учун мўлжалланган дастурий воситаларни яратиш;

• sanoат маҳсулотлари экспорти буйича миллий брендни яратиш ва тарғиб қилиш ва бoshқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://books.google.co.uz/books?hl=ru&lr=&id=0pNNDwAAQBAJ&oi=fnd&pg=PP2&dq=DIGITAL+ECONOMY+&ots=kR8n1VA4J2&sig=H00ZFUTc8nFrGVLLYFrCrHhn36A&redir_esc=y#v=onepage&q=DIGITAL%20ECONOMY&f=false
2. United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD). Digital economy report 2019
3. <https://www.bea.gov/sites/default/files/papers/defining-and-measuring-the-digital-economy.pdf>
4. United Nations Industrial Development Organization, 2019. Industrial Development Report 2020. Industrializing in the digital age. Vienna. p 192.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил январ-декабр якунлари бўйича асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари. Т. Давлат статистика қўмитаси. 2020 й.
6. Абдикеев, Н. (2018) Россия – на 32-м месте по конкурентоспособности обрабатывающей промышленности. Журнал Вольная экономика <https://zen.yandex.ru/media/freecomony/rossiya--na-32m-meste-po-konkurentosposobnosti-obrabatyvaiuscei-promyshlennosti--5bc86d236b417700aeb00c12>
7. <http://xs.uz/kr/post/davlatimiz-rahbari-2030-jilgacha-raqamli-ozbekiston-2030-dasturini-amalga-oshirishni-taklif-etdi>
8. United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD). Digital economy report 2019.
9. Digital Economy 2019: Value creation and capture: implications for developing countries. United Nations Geneva, 2019.
10. Orekhova, S.V., Romanova, O.A. (2016) Transformation of the business model of an industrial enterprise at different stages of the life cycle Manager 5(63). pp 2-15.
11. Borangiu, T., Trentesaux, D., Thomas, A., Leitão, P., Barata, J. (2019) Digital transformation of manufacturing through cloud services and resource virtualization. Computers in Industry vol. 108, pp.150-162.
12. Abdullayev, A. M., Kurpayanidi, K., (2020) Analysis of industrial enterprise management systems: essence, methodology and problems. Journal of Critical Reviews, 7 (14). pp. 1254-1260. Doi: <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.14.261>
13. Kurpayanidi, K., Abdullaev, A., Ashurov, M., Tukhtasinova, M., & Shakirova, Y. (2020). The issue of a competitive national innovative system formation in Uzbekistan. In E3S Web of Conferences (Vol. 159, p. 04024). EDP Sciences. Doi: <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202015904024>
14. Muminova, E. & ets. (2020). Features of Introducing Blockchain Technology in Digital Economy Developing Conditions in Uzbekistan. In E3S Web of Conferences (Vol. 159, p. 04023). EDP Sciences. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202015904023>